



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 225 (13.038)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ОҚИЛА, ФАОЛ, ТАШАББУСКОР АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида "Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Х.Бобохонов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш, уларнинг самарали меҳнат қилиши, билим ва маҳоратини ошириши, ишбилармонлик салоҳиятини намоён этишига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда пойтахтимизда йигирма бир мингдан зиёд хотин-қиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Улар орасида фан, таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари кўпчиликини ташкил қилади.

Жорий йилда илк маротаба ўтказилган "Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли" кўрик-танлови мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, конституций ҳуқуқ ва эр-

кинликларини ҳамда ўз имкониятларини рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Танловда туман босқичларида голибликни қўлга киритган, сиёсий ҳуқуқий билими юқори, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда ўрнатган 11 хотин-қиз қатнашди.

Иштирокчилар дастлаб ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хотин-қизлар учун барқарор иш ўринлари яратиш, оилавий тадбиркорлик кўникмаларини оширишга қаратилган лойиҳаларини тақдим этди. "Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир" деб номланган иккинчи шартда Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича билимлари синовдан ўтказилди. "Сиёсий ҳозиржавоблик" шартда қатнашувчиларнинг сиёсий билими, нотиклик маҳорати баҳоланди.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти тадқиқотчиси Севара Убайдуллаева биринчи ўринни қўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФОРУМ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Давлатимиз раҳбари фармойишига мувофиқ 5-6 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестициявий форумда 33 мамлакат фирма ва компаниялари, инвестиция фондлари ва банклар, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки ва бошқа етакчи халқаро иқтисодий ҳамда молия институтларининг 560 вакили, олимлар, экспертлар иштирок этди. ЎЗА мухбирлари анжуман қатнашчиларининг фикрларини ёзиб олди.



Бенрд ВУРЛ, "PreTherm Solutions" компанияси менежери (Германия):

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти мамлакатда мустаҳкам макроеқтисодий асос яратилганидан далолат беради. Мамлакатингизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун кенг қўлайликлар яратилган. Бундай имтиёз ва имкониятлар Германиялик бизнесменларнинг ҳам Ўзбекистонга қизиқишини тобора оширмоқда.

Компаниямиз энергетика соҳасига ихтисослашган. Ўзбекистон муқобил энергетикани ривожлантиришда улкан ютуқларга эришаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингизнинг қуёш энергиясидан фойдаланиш имконияти жуда катта. Ўзбекистон ушбу соҳани ривожлантириш бўйича малакали мутахассисларга ҳам эга. Ўзбекистонлик мутахассислар билан қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича фаол ҳамкорлик қилиш ниятидамыз. Шу боис Тошкентдаги Халқаро қуёш энергияси институти билан қуёш станцияларини барпо этиш бўйича шартнома имзоладик.

Стефано ЧАМПИОЛИ, "Energo Distribuzione" компанияси директори (Италия):

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ошиб бормоқда. Қўллаб-мамлakatларнинг етакчи фирма ва компаниялари юртингизга сармоя киритмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обрўли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётир. Биз ҳам мамлакатингиз ишбилармонлари билан нефть-газ соҳасида самарали ҳамкорлик қилиб келямиз.

Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш, энг қўлай бизнес муҳитини яратиш, соҳа вакилларига имтиёз ва енгилликлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир. Мамлакатингизда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидagi ютуқлар эътирофга лойиқ. Халқаро инвестициявий форум доирасида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари юзасидан музокара ўтказдик.

Жеонг Мин СОН, "DY Panel" компанияси менежери (Жанубий Корея):

Ўзбекистонда энг нозик турдаги маҳсулотдан тортиб мураккаб технологик жараёни талаб этувчи барча турдаги товарларни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Форум доирасида Самарқанддаги ишлаб чиқариш корхоналари ва улар тақлиф этаётган сармоявий лойиҳалар билан таъжибли имкониятга эга бўлди. "Сино" акциядорлик жамияти халқаро андозаларга мос, юксак сифатли, рақобатбардош, кенг турдаги музлаткич ва кондиционерлар ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага эга экан. Корхонага энг замонавий технологик жорий этилгани катта самара бераётир. Айниқса, баъзи линияларда Жанубий Кореядан келтирилган илгор ускуналардан фойдаланилаётганини кўриб, ҳамкорлигимиздан қувондик.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш йўлида барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, соҳага тўлиқ эркинлик беришга катта эътибор қаратилаётгани мамлакатингизда бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган демократик давлат қуриш йўлидаги изчил ислохотларга ёрдам бўла олади. Компаниямиз Ўзбекистон ишбилармонлари билан қурилиш материаллари, жумладан, панел ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қизиқиб олди.

Дуран Хуан-РАМОН, "Sercobe" уюшмаси бош директори (Испания):

Ўзбекистонда Халқаро инвестициявий форум ташкилий жиҳатдан юксак савияда, кўтаринки руҳда, ғоят самарали ва муваффақиятли ўтди. Унда мамлакатингизнинг сармоявий бозоридаги янги қирралар кашф этилди, ҳамкорлик учун истиқболли йўналишлар белгилаб олинди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун улкан имкониятлар эшиги очилган. Давлат объектлари хорижий ва маҳаллий инвесторларга сармоявий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан "ноль" қийматда тақлиф этилаётгани мамлакатингизни изчил ва барқарор ривожлантириш йўлида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ғоят пухта, стратегик муҳим сазъ-ҳаракатлардандир.

Қўп йиллик тажрибага эга ташкилотимиз саноат ускуналари ишлаб чиқарувчилари – қўллаб-йирик компанияларни ўзида жам этган. Ўзбекистон билан бир неча йиллардан буён фаол ҳамкорлик қилиб келамиз, хусусан, бу ердаги Испания сармояси эвазига ташкил этилган корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратамиз. Ғоят ишончли ва муҳим ҳамкор Ўзбекистон билан янада фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдормыз.

Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Хабеас корпус" институти – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ташкил этилган тадбирда судьялар, суд ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда судлар фаолияти такомиллашиб, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини кафолатлашнинг мустаҳкам асослари яратилгани таъкидланди. Шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Хусусан, қўллаб-қувватлаш таркиби ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилгани, ярашув институти жорий этилгани инсон ҳуқуқлари юксак даражада таъминланишига хизмат қилаётир. Бундай ислохотлар натижасида 2014 йилда озодликдан маҳрум

қилинганлар сони 2000 йилга нисбатан 16,5 фоиз камайган.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди.

Мамлакатимизда "Хабеас корпус" институти жорий этилгани, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани катта аҳамиятга эга, – дейди ЎЗА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Неъматжон Акбаров. – Мазкур институтининг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятларни қўллаш суд тартиби амалиётга киритилди. Суд ваколатидан жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқи чиқарилиб, судда ишни кўришда жиноят иши бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурор зиммасига юклашни кўзда тутувчи нормалар жорий этилгани суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтиришга шaroит яратди.

2014 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, жиноят-процессуал қонунчиликка уй қамоғи тарзидаги янги эҳтиёт чорасининг киритилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясининг яна бир муҳим кафолати бўлди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Н.АБДУРАИМОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда ёш мақом ижрочилари республика танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда унинг куйи босқичларида голиб бўлган 34 хонанда ва созанда ўз истеъдодини намоён этди.

● Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган йиллар давомида Жиззах вилоятида 109 иншоот, 7 сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди. Уларнинг 90 фоизи қишлоқ жойларда қад ростлади.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа тумани Элликқалъа овулида замонавий маданият ва дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

● Навоийда ўтказилган "Камалак" юлдузлари республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичида 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар 6 йўналиш бўйича ўз маҳоратини намоён этди.

● Тошкентда жорий йил 11-13 ноябрь кунлари "Транспорт ва логистика – TransUzbekistan 2015" XII халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.

ЖАҲОНДА

● Хиндистоннинг ишбилармон ва санъаткор элитаси Буюк Британиядан дунёдаги энг машҳур олмослардан бири – "Кўхинур" қайтарилишига эришмоқчи. Ташаббускор гуруҳ Хиндистон бош вазирининг 12-15 ноябрь кунлари Лондонга ташрифи арафасида Британия қиролчаси Елизавета II га қарши суд даъвосини тайёрламоқда. Даъво яқин орада олий инстанция судларига берилади.

● "Chevrolet" компанияси 1970 йилда чиқарилган классик Camaro купесини "General Motors" концерни тарихидаги энг кучли серияли мотор билан жиҳозлади. Янги автомобилга Corvette Z06 суперкаридаги Eaton симли компрессорига эга 6,2 литрли саккиз цилиндрли агрегат ўрнатилган. Двигатель қуввати 650 от кучига эга. Купе хавфсизлик каркаси, иқлим қурилмаси, учинчи авлод Сагагонинг ўзига хос спорт услубидаги ўриндиқлари ва 19 дюймли алюминий филдирак дискларига эга бўлди.

● "Volkswagen" концернининг бир неча муҳандислари ички текширув давомида дизель двигателларида зарарли ташланмалар кўрсаткичини пасайтириш билан боғлиқ сохтакорликларни тан олди. Мазкур ходимларнинг айтишича, концерннинг собиқ раҳбари Мартин Винтеркорн томонидан белгилаб берилган мақсадларга эришиш учун бундай фирибгарликларга қўл уришга мажбур бўлишган. 2012 йил мартда Винтеркорн Volkswagen 2015 йилга келиб CO2 ташланмаларини 30 фоизга пасайтиришини эълон қилган. Муҳандислар эса раҳбарга бу мақсадга эришиш мушкул эканини айтишга чўчиган. Улар бунинг ўрнига ёқилғи сарфи ва CO2 ташланмалари кўрсаткичларини сохталаштириши бошлаган.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида жорий йилнинг 9 июлида қабул қилинган "Тошкент шаҳридаги турар ва нотурар жой объектлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг мониторингини ташкил этиш тўғрисида"ги 613-сонли, 26 октябрдаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва фуқароларнинг паспорт тизими қоидаларига риоя этиши устидан назоратни янада кучайтириш тўғрисида"ги 918-сонли қарорлар ҳамда 9 октябрдаги "Тошкент шаҳридаги турар ва нотурар жой объектларининг мониторингини янада жадаллаштириш тўғрисида"ги 182-ф сонли фармойишларнинг мазмун-моҳияти ва ижроси бўйича брифинг ташкил этилди.



Ислом Исмоилов олган суратлар

ҳамда белгиланган тартибда ундириш ишлари бажарилмоқда.

Мониторинг натижалари мазкур қарор ижроси юзасидан жойларда ҳали бу борада бир қатор ишларни бажариш зарурлигини кўрсатиб, 182-ф сонли фармойишнинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш, бу бо-

лари, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар ахборотлари асосида турар ва нотурар жойларни хатловдан ўтказиш бўйича кенг қамровли ўрганиш ишларига киришади.

Уларга эгасиз турар жойларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш, бўш турган ва ижарадаги хонадонларни аниқлаб, рўйхатини тузиш, эгаси аниқланмаган хонадонлар бўйича қонуний чоралар кўриш, ижарадаги хонадонларда яшовчиларнинг шахсига аниқлик киритиб, рўйхатини юритиш ишларини ташкил этиш вазифаси юклатилмоқда. Албатта, ҳар бир аниқланган қоидабузарлик ёки қонунбузарликлар бўйича ўрнатилган тартибда иш олиб бориш ҳам ушбу ишчи гуруҳлари зиммасида бўлади.

918-сонли қарорга кўра, туманлар ИИБларида "Объектни ижарага берувчи шахслар" ва "Объектни ижарага олувчи шахслар" электрон базаси яратилмоқда. Бу эса пойтахтимизда бугунги кунда амалда қанча одам истиқомат қилаётганини аниқлаш билан бирга, ижарага берувчи фуқароларнинг солиқ ва коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги масъулиятини оширади ва ўз ўрнида кўрсатилаётган коммунал хизматлар ҳажми ва улар бўйича тўловлар ўртасида вужудга келаётган тафовутларни бартараф этишга хизмат қилади.

Брифингда ушбу қарорлар ва фармойиш бўйича атрофлича маълумотлар берилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати**

МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

рада идоралараро ҳамкорлиқни кучайтириш заруратидан келиб чиқди.

Шу боис, туман ҳокимликлари, Ички ишлар, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, Бинолардан фойдаланиш департаменти, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар кенгаши, Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси билан ҳамкорликда ҳар бир маҳаллада турар ва нотурар жой объектларини қайта ўрганиш учун мутасадди ташкилотлар вакилларидаан иборат Ишчи гуруҳлари шакллантирилди.

Мазкур гуруҳлар жорий йилнинг 10 ноябридан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкат-

риш ҳам ушбу ишчи гуруҳлари зиммасида бўлади.

918-сонли қарорга кўра, туманлар ИИБларида "Объектни ижарага берувчи шахслар" ва "Объектни ижарага олувчи шахслар" электрон базаси яратилмоқда. Бу эса пойтахтимизда бугунги кунда амалда қанча одам истиқомат қилаётганини аниқлаш билан бирга, ижарага берувчи фуқароларнинг солиқ ва коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги масъулиятини оширади ва ўз ўрнида кўрсатилаётган коммунал хизматлар ҳажми ва улар бўйича тўловлар ўртасида вужудга келаётган тафовутларни бартараф этишга хизмат қилади.

Брифингда ушбу қарорлар ва фармойиш бўйича атрофлича маълумотлар берилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати**

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Infolib - 2015" IV Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди.

Ҳафталик Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида вазирилик ва идоралар вакиллари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар, кутубхона иши мутахассислари иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фундаментал кутубхонаси директори З.Бердиева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, юксак маънавият ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлиш тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ушбу ижобий фазилатлар янги билимларни ўзлаштириш жараёнида шаклланади. Бу борада эса кутубхоналар алоҳида ўрин тутади.

Аънавий ўтказиб келинаётган Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Ҳафталик доирасида ўтказилаётган ўттиздан зиёд маданий-маърифий, илмий тадбир ёшларнинг ахборот соҳасидаги билиминини янада бойитиш, буюк аجدларимизнинг маданий ва ижодий меросини асраб-авайлаш, мутлола маданиятини юксалтириш, замонавий инновация ва таълим технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда ахборот-кутубхона соҳасига кенг жорий этишга хизмат қилади.

Ҳафталик доирасида таниқли ёзувчи ва шоирлар, рассомлар, санъаткорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида турли тадбирлар, жумладан, танловлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, маърифий акциялар, маҳорат сабоқлари, кўргазма ва тақдиротлар, фильмлар намойиши ҳам бўлиб ўтади.

Ҳафталикнинг дастлабки кунинда ташкил этилган очик эшиклар кунинда кутубхонадан фойдаланувчиларнинг ахборот маданияти ва медиа саводхонлигини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасалари ролига бағишланган "Бетгероф ўқувлари - 2015" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида жамиятнинг ахборотлаштириш шароитида ўқувчиларда ахборот маданияти ва медиа саводхонлигини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.

Бундан ташқари, ҳафталикнинг дастлабки кунинда Алишер Навоийнинг "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин" асарининг Азиз Қўямов ва Динара Азимова таржимаси тақдими, Марказий Осиёда овозсиз кинога бағишланган фотокўргазма, санъатшунослик фанлари номзоди Нигора Каримованинг "Муқаддима" лойиҳаси бўйича фильм намойиши бўлиб ўтди. (ЎЗА)

Глобаллашадиган дунёда ахборот-коммуникация технологиялари ва айниқса, Интернет кишилар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Глобал тармоқ шиддат билан ривожланиб, имкониятлари тобора кенгаймоқда. Ҳар кунни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши унинг ҳажми дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Шу боис, у орқали юзага келиши мумкин бўлган муаммолардан имкон қадар ўзимизни ҳимоя қилишимиз лозим.

Айни пайтда замонавий фанлар ўрганаётган масалалар орасида глобаллашувдан долзарброк мавзунини топиш мумкин. Чунки, унинг технологик, молиявий-сиёсий, маданий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари билан нафақат ривожланган мамлакатлар, балки бутун дунё юзма-юз турибди. Айниқса, ахборот соҳасидаги глобаллашув инсонлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳозирги кунда ахборот маҳсулотларининг дунё бозоридagi даромади "қора олтин", самолётсозлик ва автомобилсозлик каби соҳалар фойдасидан ҳам ошиб кетди.

Ахборот глобаллашув барча хусусий шахслар, компаниялар ва бирлашмаларга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишда улкан имкониятлар яратди. Инсониятнинг билими ўсишида, савдо-тижорат, маркетинг, туризм ва бошқа кўпга соҳалари ўзлаштиришда интернет имкониятлари ва хизматларидан кўз юмиб бўлмайди.

Биринчидан — ахборот глобаллашув натижасида бир миллат онига бошқа бир миллат маданияти, урф-одати ва ҳаёт тарзи сингиб бориши мумкин. Бунда кинофильмлар, телесериаллар, қўшиқлар ва клиплар алоҳида ўрин тутди. Иккинчидан — ахборот глобаллашув натижасида жаҳондаги камсонли халқ тилларининг мажори пасайиши, хаттоки, айримларининг йўқолиб кетиши кузатилади. Учинчидан — ахборот глобаллашув натижасида бир қатор йирик давлатлар дунё ахборот оламида ҳукмронликка интила бошлади. Натижада давлатлар бир-бирини ички ва ташқи ахборот бозоридан қисиб чиқаришга уринад. Оқибатда эса давлатлараро ахборот кураши бошланади. Бу урушдан асосий мақсад ахборот-психологик соҳада сиёсий устулликни таъминлашдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ахборот соҳасида глобаллашувнинг фойдали ва айни пайтда ўта хавфли жиҳатлари мавжуд. Биз тўғридан-тўғри масаланинг ечимига тўхталмоқчимиз: ҳўш, мана шу салбий жиҳатлардан ҳимояланиш учун нима қилолмоқ керак?

Энг аввало, мактабга таълим муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежларда миллий истиқлол ғоялари масалаларига эътиборни қўйиш лозим. Ёшларимизни маънан ва руҳан соғлом тарзда тарбияламоғимиз керак. Уларни шундай тарбия қилиш керак, дуч келган ёт фикрни ўзларига ўрнак сифатида қабул қилиб олишмасин. Маънавияти юксак ёшлар нимани қабул қилиш кераклигини яхши билишади. Ахборот глобаллашувни тўхтатиб бўлмайди, бироқ у орқали юзага келиши мумкин бўлган муаммолардан имкон қадар ўзимизни ҳимоя қилишимиз лозим. Бунга қарши ҳимояланиш жамиятининг маълум қатламлари учунгина эмас, барчамизнинг бирдек вазифамиз эканлигини унутмайлик.

Бугун "глобаллашув" деб аталаётган шиддатли ўзгаришлар таъсирида дунё микёсида турли миллатлар ва халқлар

АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁСИГА ХАВФ СОЛМОҚДАМИ?

маданиятининг ўзаро яқинлашув жараёни давом этмоқда. Бунда ахборот муҳим мулоқот воситаси вазифасини бажармоқда, десак, муболага бўлмайди. Эндликда ахборот энергия манбалари сингари стратегик ресурсга ва жаҳон истеъмол бозоридagi "энг қиммат товар"га айланди. Давлатларнинг бир-бирига сезиларли даражада ўсган боғлиқлиги натижасида бир минтақадаги ҳўх салбий, ҳўх ижобий воқеа-ҳодисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез суръатларда тарқалиб, ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Албатта, глобаллашув жараёнида халқларнинг инсоният ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишини таъминлаётган бошқа бир минтақадаги жуда тез суръатларда тарқалиб, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоиз: глобаллашув жараёнида билан боғлиқ зиддиятлар маданият соҳасида кўпроқ намоён бўлаётган.

Шу ўринда глобаллашувни "яҳлит дунёнинг шаклланиши, ягона қудратли давлатнинг қарор топиши, ягона жаҳон маданиятига эга халқро ҳамжамиятнинг таркиб топиш жараёни" сифатида талқин этувчилар, глобал ҳакамликка даъво қилувчилар ҳам кам эмаслигини айтиб ўтиш лозим.

Айниқса, Марказий Осиё минтақасида турли манфаатлар ва мафқураларнинг аёвсиз тўқнашуви кузатилаётганини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Аввалбар, Марказий Осиё давлатлари бу жараёнда пассив объектлар эмас, балки ўз миллий манфаатларига эга фаол иштирокчилар сифатида қатнашмоқдалар.

Ачинари томони шундаки, ғараз ниятли кўчлар ўз мақсадларига эришиш учун аксарият ҳўлларда ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшлардан қўрол сифатида фойдаланмоқдалар. Таҳлилларга мурожаат қилсак, дунё микёсида содир этилган аксарият тартибсизликлар, "рангли инқилоблар"ни уюштиришда ёшлар омили етакчи роль ўйнаётгани аён бўлади.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси шароитида ёшлар омили бугун миллий ўзига хосликни сақлаб қолишда ҳамда давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим кўч сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги мураккаб даврда мамлакатимиз ёшларига

глобаллашув даври салбий ҳодисалари хавфини камайтириш ва уларни маънавий етук шахслар этиб тарбиялаш учун ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш зарур.

Бизнингча, фуқаролик позициясига эга инсонгина жамиятнинг асосий мақсадлари нимадан иборатлигини тушуниб, халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кўчур англайди. Шу билан бирга фуқаролик позициясини шакллантириш ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, маънавий қимматликка эришувда асосий ва белгивчи оимл вазифасини ўтайди. Энг муҳими эса фуқаролик позицияси инсонга ўзлигини англаб олишда ёрдам беради. Ўзлигини англаган инсонгина ўтиши билан фахрланиб, унга муносиб бўлишга интилади.

Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш — бу халқнинг тарихи, маънавий қадриятлари, Ватанимизнинг имкониятлари ва истиқболини биллиш ҳамда қадрлаш, фахрланиш, миллий манфаатларини амалга оширишга ҳаракат қилишни тарбиялаш демакдир.

Албатта, ёшларга оид сиёсатни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партиялар амалий тақлифлар, мўқобил лойиҳалар ва ташаббуслар билан фаол иштирок этишлари лозим. Фуқаролик жамияти шароитида ёшларда фуқаролик позицияси, дахлдорлик ҳисси ўйғониши ҳамда уларнинг манфаатлари гуруҳий манфаатлар шаклида давлат вазифаси даражасига кўтарилиши учун сиёсий партиялар ва жамоатчилик ташкилотлари кучли ва таъсирчан бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш орқали ватанпарвар, миллий қадриятларга содиқ, юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ишхўрлар моҳиятини тўғри англайдиган, уларни давом эттиришга қодир шахсларни тарбиялаш имкониятига эга бўламиз. Ушунда ёшлар жамиятида фақат "истеъмолчи" сифатида эмас, балки маънавий шаклланиб етук шахс сифатида ҳаракатланадиган ҳамда жамиятимизнинг бунёдкор кўчига айланадилар.

**Элбек ШУКУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР САЛОМАТЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети билан ҳамкорликда Тиббиёт ходимлари кўнига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кўнини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яқанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари М.Солиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ишхўрлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Чунончи, мамлакатимиз ҳарбий-тиббиёт соҳаси сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сўнгги йилларда барча ҳарбий-тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг август ойида Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталида реконструкция қилинган даволаш биноси фойдаланишга топширилди. Ҳарбий-тиббиёт муассасалари инфратузилмасини такомиллаштириш жараёнида уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбирда замонавий тиббиёт ускуна ва жиҳозларнинг қўлланилаётгани касалликларга ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг янги услубларини ўзлаштиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Юқори малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш мамлакатимиз Қўролли Қўчаларнинг жанговар қобилиятини ошириш, шахсий таркиб саломатлигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2012 йил 10 июлда Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетининг ташкил этилгани бу борада муҳим воқеа бўлди. Айни пайтда факультет битирувчилари ҳарбий-тиббиёт соҳасида самарали меҳнат қилаётди.

Тадбир доирасида Мудофаа вазирлигининг "Энг илғор қўшин шифокори", "Энг илғор фельдшер", "Энг илғор ҳамшира" кўрик-танловлари ғолибларига диплом ва совғалар топширилди.

— Шифокорлик касби жамият ва давлат томонидан қадрланади, — дейди ЎЗА муҳбирига "Энг илғор ҳамшира" кўрик-танлови ғолиби, Нукус ҳарбий госпитали ҳамшираси Шахноза Мақсотова. — Зиммасизга юклатилган масъулиятни англаган ҳўлда, ўз билим ва қўник-маларимизни мунтазам бойитиб боришга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда Қўролли Қўчалар Марказий ашула ва рақс ансамбли, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари, эстрада хонандалари ижросида концерт намойиш этилди.

М.ҚАШИБОВ

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР — ҚўТҚАРУВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида янги авария-қўтқарув автомобиллари ва ускуналарини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ходимлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари мутахассислари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги Худойберганов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг прогност қилиш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хизматлари ва бўлинмаларини замонавий техник восита ва ускуналар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобил техникаси билан таъминлаш бу борада олиб борилаётган ишларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётди.

Шу муносабат билан мамлакатимизда "MAN" ва "Isuzu" автомобиллари шассиси негизида авария-қўтқарув машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2011 йилда дастлабки шундай автомобиллар қўтқарув отрядлари ихтиёрига берилди. Ўтган вақт мобайнида мазкур автомобиллар мамлакатимизнинг олис аҳоли пункти ва туманларида ҳаво ҳарорати юқори ва паст даражада бўлган ҳолатларда ҳам ишлашга қодирлиги ва ишончлигини намоён этди. Айни пайтда вазирлик ходимлари томонидан фойдаланилаётган автомобилларнинг 60 фоизи юртимизда ишлаб чиқарилган. Жорий йилда Хоразм, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаларида "Isuzu" авария-қўтқарув машиналари, "Камчик" қидирув-қўтқарув отрядига 50 тонна қувватга эга "MAN" эвакуатори топширилди.

— Қишда доводна ҳаво ҳарорати 25 даражагача совуши мумкин, — дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг "Камчик" қидирув-қўтқарув отряди штаби бошлиғи З.Абдуллаев. — Шунинг учун бизга совуққа чидамли, экстремал тоғ шароитида ишлашга қодир техника зарур. Янги эвакуатор ўзининг техник хусусиятлари бўйича бизга маъқул келди. Мазкур техника довод бўйлаб кўп қўқтаридиган автомобилларнинг ҳаракатланишини яхшилаш ва юз бериши мумкин бўлган турли фавқулодда вазиятларни тезкор бартараф этиш имконини беради.

Тадбирда янги ускуналар ва ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларининг имкониятлари намойиш қилинди.

Роман БОНДАРЧУК

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом
юрт қудратли бўлур

Келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларнинг маънан етук, жисмонан бақувват тарзда вояга етишлари йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг улкан самарасини бермоқда.

Жамғармаларимиз фаолиятдан СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ўз олдига қўйилган вазифалар — жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун ёшларга моддий-техник базани яратиш, уларни спортга кенг жалб этиш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида муайян ишлар бажарилмоқда. Шу боис ҳам жамғарма тадбирлари ҳам қамраб олинаётганларни асосан вояга етмаган ёшлар ташкил этади.

Миробод туманида 16 та мактаб, 7 та касб-хунар коллежи, 5 та академик лицей, 2 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 3 та Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаблари мавжуд. Барча таълим муассасаларида 94 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари ёшларга спортнинг 30 дан ортқ турлари бўйича сабоқ бериб келмоқдалар. Мазкур таълим масканларида спорт заллари мавжуд.

Туманимиздаги таълим масканларида 3560 нафар болалар мунтазам спорт билан шугулланишди, улардан 1025 нафари қизлардир. Жисмоний соғломлаштириш гуруҳларида спорт билан 10461 нафар болалар шугулланаётган бўлса, уларнинг 4184 нафарини қизлар ташкил қилмоқда.

Ҳар йили турли байрам тантаналари муносабати билан ҳар хил спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилиши анъанага айланган. Айниқса, юртимиз Истиклолнинг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакоримсан, ягонасан она Ватаним — Ўзбекистони!" шiori доирасида ўқувчи-ёшлар ўртасида спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, енгил атлетика, эркин кураш, бокс, бадий гимнастика, акробатика, самбо, ўзбек жанг санъати турлари бўйича мусобақалар қизқарли ва муросасиз кечди. Дарвоқе, бу йилги "Аёллар спорт фестивали" мусобақасида Миробод туман жамоасининг барча спорт турлари бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаганлиги кишини қувонтирди.

Албатта, ёш авлод орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришда, болалар ва қизларни профессионал спортчи қилиб тарбиялашда БЎСМларнинг аҳамияти бекиёс. Масалан, туманимиздаги 44-БЎСМда болаларга спортнинг футбол, бокс, эркин кураш, ўзбек жанг санъати, шахмат, юнон-рум кураши, таэквондо WTF, стол тенниси, бадий гимнастика, бадминтон, самбо, шашка турларидан сабоқ бериб келинмоқда. Ушбу спорт турла-

рини малакали мураббийлар 564 нафар болаларга (уларнинг 110 нафари қизлар) ўргатишмоқда.

Шунингдек, 29-БЎСМда эса 483 нафар болалар (уларнинг 150 нафари қизлар) гандбол, футбол, баскетбол, бадий гимнастика, енгил атлетика, сузиш, белбоғли кураш, кураш сирларини ўрганишмоқда. 6-БЎСМ олимпия заҳиралари мактабига эга бўлиб, унда болалар волейболнинг сир-асрорларини ўрганадилар. Қувонарлиси, мазкур 6-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби тарбияланувчилари "Умид ниҳоллари" мусобақаларида фахрли ўринларга сазовор бўлишган.

Сузиш спорт турига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабида 498 нафар болалар (уларнинг 92 нафари қизлар) сузиш сирларини кунт билан ўрганмоқда.

Туманимиздаги 14-Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабининг 313 нафар тарбияланувчилари (уларнинг 116 нафари қизлар) спорт гимнастики, акробатика, бадий гимнастика, трамполин, эркин кураш, юнон-рум кураши сирларини ўрганишмоқда.

Шу кунгача туман миқёсида 50 марта турли хил спорт мусобақалари уюштирилган бўлса, ғолиб ва совриндорларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан 73.320000 сўмлик совғалар тўхфа этилди.

Ёз мавсумида тумандаги 17 та умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган ёғи оромгоҳларда "Ёз — 2015" спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилди.

Тумандаги спорт мактабларимизда ҳар доим "Очиқ эшиклар кунини" тадбирлари уюштирилади ва унда ота-оналар ҳам иштирок этишади. Бу йилдан йилга спорт билан шугулланишга қизиқётган болалар ва қизлар сонининг кўпайиб боришини таъминламоқда.

Хуллас гапирсак гап кўп. Лекин фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши, баркамол шахс сифатида шаклланишида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти бекиёс эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шундай экан, спортнинг оммавийлигини ошириш борасида ҳали бажарадиган ишларимиз бисёр.

Баҳодир БАҲРОМОВ,
Болалар спортини
ривожлантириш
жамғармаси Тошкент шаҳар
филиали Миробод туман
вакили, бош мутахассис

Спорт дўстлик элчиси, деб бежизга айтилмайди. Инсонларни эзгуликка чорловчи спортнинг болалар ва ўсмирлар камолотида тутган ўрни бекиёс.

Спорт мажмуаларида

МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

Камина раҳбарлик қилаётган Сергели туманидаги 34-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби 2004 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг манзилли дастури асосида, туман ҳокимлиги ҳамда ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қурилиб фойдаланишга топширилган. Спорт мактабимиз дастлаб "Олимпия умидлари" болалар спорт мажмуаси сифатида фаолият бошлаб, 2012 йилдан БЎСМга айлантирилди.

Бу ерда, 33 гуруҳда 472 нафар болалар (шулардан 81 нафари қизлар) спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, бокс, муайтай, универсал жанг, юнон-рум кураши, ўзбек жанг санъати, каратэ, дзюдо, футбол сирларини 20 нафар малакали мураббий (шулардан 3 нафари аёл) ёрдамида кунт билан ўрганиб келишмоқда.

Шуниси қувонарлики, малакали мураббийларимизнинг меҳнатлари самараси ўларок, 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар спорт мактабимиз тарбияланувчилари Ўзбекистон биринчилиги ва Кубоги баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, жами 60 та 1-ўрин, 44 та 2-ўрин, 102 та 3-ўрин соҳиблари бўлишди.

Ўтган йили универсал жанг бўйича Россиянинг Москва шаҳрида ўтказилган жаҳон биринчилигида мактабимиз аъзоси Исрол Сатторов юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди. Мусобақада фахрли 2-ўринни эгалаб қумуш

медал билан тақдирланган Исрол Тошкентга ёруғ юз билан қайтди.

Шунингдек, Ўзарбойжон Республикасининг Боку шаҳрида универсал жанг бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида мактабимиз ўқувчиси Абдулфаттоҳ Абдурахмоновга фахрли 3-ўрин насиб этди.

Ўзбекистон иқтидорли ёшлар диёри. Жумладан, кейинги йилларда спортга ошно бўлаётган қизларимиз ҳам халқаро турнирларда юртимиз байроғини баланд ҳилпиратмоқдалар. Чемпион қизлар шаънига қўллаб мусобақаларда Ўзбекистон мадҳияси янграпти. Ўтган йили ўзбек жанг санъати бўйича Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро мусобақада мактабимиз тарбияланувчиси Нилуфар Собирова шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этиб, олтин медал соҳиби бўлди.

Жорий йилнинг июль ойида Литва давлатида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнирда иштирок этган ўқувчиларимиз Ҳумоюн Махмудов, Жамшид Шерматовларнинг ҳар иккиси ҳам биринчи ўрин соҳиби бўлгани қабиларимизни тўққинлантирди.

Хулоса қилиб айтганда, ёш авлодни ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват, маънан баркамол этиб тарбиялашга бел болаган эканмиз, бу машаққатли ҳамда шарафли ишда доимо биз ўқитувчилар, мураббийлар изланаварамиз, ҳормай-толмай меҳнат қиламиз.

Ақбар ВАКИЛОВ,
Сергели туманидаги 34-БЎСМ директори

Ёш чемпионлар

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Халқимизда "Интилганга толе ёр" деган ҳикматли ибора бор.

Дарҳақиқат, инсон бир мақсад сари интилса, изланса албатта орузси амалга ошади.

Дмитрий Шокин ҳам ёшлигидан профессионал спортчи бўлишни, спортчи бўлганда ҳам шунчаки ҳаваскор эмас, балки юксак марраларни забт этишни оруз қилди.

Олмазор туманида таваллуд топган лавҳамиз қаҳрамони болалигидан анча шўх, аммо зийраккина эди. Дмитрий спорт турлари орасида таэквондо ўзига ром қилиб қўйди чоғи. У ҳар доим телевизор орқали бериладиган таэквондо бўйича беллашувларни мунтазам кузатар, спортчилар бажарётган усуллари уйда мустақил равишда ўрганишга ҳаракат қиларди. Ундаги бу ҳолатни пайқа-

ган отаси Александр Шокин ўғлини 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига етаклаб борди. Дмитрий машғулотларга жиддий тарзда киришиб кетди.

— Шогирдимда бошқа болаларга сира ўхшамайдиган қобилиятни пайкаб қолдим, — дейди таэквондо бўйича мураббий Фахриддин ака Умаров, — шу боис ҳам Дмитрий билан жиддий тарзда астойдил шугуллана бошладик. У оғир, босиқ, ҳар бир гапимизни диққат билан эшитар, топширилган вазифани бекаму кўст бажаришга интилар эди. Айниқса, мустақил равишда ҳар кун икки соатлаб машғулотларда қатнашиши унга катта муваффақиятларни инъом этмоқда.

Дарҳақиқат, аввалига туман, кейинчалик шаҳар ҳамда мамлакат биринчилигида

Дмитрий зафар куча бошлади. Тошкент шаҳар чемпионатида ғолиб бўлган Дмитрий ўтган йилги мамлакат биринчилигида қатнашиб фахрли 3-ўринни эгаллади.

Энди Дмитрийнинг халқаро турнирлар кутаётгани. Иқтидорли спортчи тез орада Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига номзод сифатида ўтган йили ўтказилган қўша биринчилигида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Мусобақага пухта тайёрланган Шокин Осиё чемпионатида шохсупанинг энг юқори поғонасини эгалаб, олтин медал билан Тошкентга қайтди. Бундан ташқари ўтган йили бўлиб ўтган Осиё ўйинларида таэквондо WTF бўйича ҳамюртимиз фахрли 2-ўрин соҳиби бўлди.

Хали ёш бўлишига қарамай халқаро тоифадаги спорт устаси сифатида танилган Дмитрий энди жаҳон биринчилигида ғолиб бўлиш истагида машғулотлар олиб борапти.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Исрол Исмоилов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль-йўллар институтини 2015-2016 ўқув йилига кафедра мудири, доцентлар, катта ўқитувчилар ва ассистентлар бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. "Ер усти транспорт тизимлари ишончилиги" кафедраси — кафедра мудири
2. "Чет тиллари" кафедраси — доцент
3. "Автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш ва эксплуатация қилиш" кафедраси — доцент
4. "Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги корхоналари маркетинги" кафедраси — доцент
5. "Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси" кафедраси — катта ўқитувчи
6. "Транспорт воситаларининг эксплуатацион материаллари" кафедраси — катта ўқитувчи
7. "Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги корхоналари маркетинги" кафедраси — катта ўқитувчи
8. "Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги корхоналари иқтисоди ва бошқарув" кафедраси — катта ўқитувчи
9. "Ўзбекистон тарихи" кафедраси — катта ўқитувчи
10. "Ўзбек ва рус тиллари" кафедраси — катта ўқитувчи
11. "Чет тиллари" кафедраси — ўқитувчи
12. "Йўл қурилиш машинаси" кафедраси — ассистент
13. "Назарий механика ва материаллар қаршилиги" кафедраси — ассистент
14. "Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси" кафедраси — ассистент
15. "Ташини ташкил этиш ва транспорт логистикаси" кафедраси — ассистент

Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:

- Ректор номига ариза;
- Шахсий варақаси;
- Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги дипломи нусхалари;
- Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалари нусхаси;
- Илмий ишлар рўйхати;
- Паспорт нусхаси

Ҳужжатлар даврий матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темуш шох кўчаси, 20-уй.

ТАЙИ, Ходимлар бўлими, 156-хона, тел: 232-15-29

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга қўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш odnokno.uz интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш қиёфа бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ваколатли орган — "Ерgeo-декадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қўлай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қўйи тизимидаги ходимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳақида бу каби ҳолатлар юзга келганда тежкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Мусобақалар

БОЛАЖОНЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Бадий гимнастика нафис спорт тури сифатида доимо қизларни ўзига ром этиб келган. Шу боис ҳам "Спорт маликаси" деб ном олган бадий гимнастика билан нафақат коллежларда, мактабларда, балки мактабгача таълим муассасаларида ҳам минглаб қизлар мунтазам шугулланиб келмоқдалар.

Яқинда Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида пойтахтимиздаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирокида "Гимнастрада — 2015" спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Қизлар орасида бадий гимнастиканинг янада оммавийлигини ошириш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан уюштирилган ушбу мусобақаларда пойтахтимизнинг ҳар бир тумани жамоаси аъзолари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Бадий гимнастика билан мунтазам шугулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган 120 нафар қизалоқлар иштирокида муҳлислар ажойиб чиқишларнинг гувоҳи бўлишди.

Дарвоқе, ушбу спорт тури сирларини эндигина ўрганаётган бўлажақ бадий гимнастикачилар ҳакамлар ҳайъатига ўзларининг бор маҳоратларини намойиш этишгани таҳсинга сазовор.

Ғолиблар турли номинациялар бўйича аниқланди. "Энг яхши динамика" номинацияси бўйича ғолиблик Бекте-

мир тумани жамоасига насиб этган бўлса, "Энг яхши образ" номинациясида Шайхонтоҳур, "Энг яхши хореография" номинациясида Яқсарой, "Энг яхши гимнастика ва пирамида элементлари" номинациясида Чилонзор, "Маҳоратли икхро" номинациясида Сергели, "Энг яхши жамоа" номинациясида Юнусобод, "Энг яхши жозибали икхро" бўйича Олмазор, "Энг қувноқ жамоа" номинациясида Мирзо Улугбек туманлари ғолиб деб топилди.

Шунингдек, Яшнобод тумани жамоаси "Энг нафис икхро", Учтепа тумани жамоаси "Энг эпчил жамоа", Юнусобод туман жамоаси "Энг чиройли либос" номинацияларида ғолибликка лойиқ кўрилди.

Яқинда ғолиб жамоаларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг совринлари, эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Спорт янгиликлари

САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИДАГИ
ҒАЛАБАЛАР

Баҳрайн давлатида 2016 йили бўлиб ўтадиган 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатининг саралаш ўйинлари доирасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси барча учрашувларни ғалаба билан якунлаб, ўзига юклатилган дастлабки вазифани аъло даражада бажарди.

Маълумки, Осиё чемпионати саралаш босқичи "А" гуруҳининг барча ўйинларининг Бангладешда ўтказилиши белгилаб олинган эди. Шунга қўра, учрашувлар Дакка шаҳрида ўтказилиб, футболчиларимизга йўлланмани қўлга киритиш учун асосан мезбонлар жиддий қаршилик кўрсатиши кутилаётган эди. Бироқ Жасур Абдураимов бошчилигидаги футболчиларимиз кетма-кет қозонилган ғалабалар эвазига йўлланмани ўзлариники қилиб олишди.

Мусобақанинг 1-тур ўйинлари якунида гуруҳда ким етакчи эканлиги маълум бўлди. Ёш футболчиларимиз Бутан терма жамоаси дарвозасига жавобсиз еттига гол уришнинг удасидан чиқибди. Гуруҳнинг 2-ўйинида Ўзбекистон терма жамоасига қарши майдонга тушган Шри-Ланка ёшлари ўз дарвозаларидан учта тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди. Мазкур ўйинда голларга Нурил

ло Тўхтасинов, Достон Ибрагимов, Санжар Қодирқуловлар муаллифлик қилишди.

Сўнгги тур олдидан ҳамюртларимиз ҳисобида олти очко, мезбон Бангладешда эса тўрт очко бор эди. Бундай ҳолатда Бангладеш 3-турдаги ёшларимиз билан бўладиган ўзаро баҳсда ғалаба қозонса, йўлланмани қўлга киритиш имкониятига эга эди. Аммо амалда бундай бўлиб чиқмади. Анчагина тезкор тарзда ўтган беллашувада ҳамюртларимиз тўртта тўп фарқи билан рақиблари устидан зафар кучишди ва шу тариқа саралаш босқичининг барча ўйинларини ғалаба билан тугатишди.

Баҳрайндаги Осиё чемпионатида совриндорлар қаторидан жой олиб, жаҳон чемпионатида чиқиш вазифаси юклатилган Жасур Абдураимов шогирдлари энди режа асосида тай-ёргарликнинг навбатдаги жараёнига ўтишлари мумкин.



Мухаммад Амин олган сурат

БАКИЛИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридаги "MV" спорт клубида боулинг бўйича "Almaty Open-2015" халқаро турнири бўлиб ўтди.

Беллашувада Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон терма жамоаларидан жами 40 нафар иштирокчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Турнир регламентига қўра 4 кун давомида саралаш босқичи ўтказилди. Саралашда энг яхши натижа кўрсатган 13 нафар спортчи мусобақани давом эттирди.

Қувонарлиси, халқаро турнирда биринчи ва иккинчи ўринларни юртдошларимиз эгаллашди. Мирвоҳид Соатов

турнирнинг бош совринини қўлга киритган бўлса, Бахтиёр Далабоев қумуш медаль билан тақдирланди. Учинчи ўрин мезбонлар вакили Геннадий Вологинга насиб этди.

Шунингдек, вакилларимиздан Фазлидин Миржалилов, Баҳодир Арифов, Равшан Абдусаматов, Лазиз Болтаев, Ўткир Якубов, Аскар Эгамбердиев ва Файзулла Носировлар ҳам мусобақада фаол иштирок этишди.

нирнинг бронза медалини қўлга киритди.

Ришод Собиров ва германиялик Себастьян Сиедль ўртасидаги беллашува ҳам мурасасиз кечди. Бу тўқнашувада ҳам асосий вақтда ғолиб аниқланмади. Қўшимча вақтнинг 65-сониясида усул ишлатган Собиров иппон билан учрашув тақдирини ўз фойдасига ҳал этди. Шу тариқа терма жамоамиз 2 та бронза медалини қўлга киритишди.

Шунингдек, мазкур йирик мусобақада юртимиз номидан Шарофиддин Болтабоев (-73 кг), Яхё Имомов (-81 кг), Рамзиддин Саидов (-100 кг), Абдулла Тангриев (+100 кг) ва Гулноза Матнӣёзовалар (-70 кг) ҳам иштирок этишди.

Ботир ХҲҲАЕВ

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида дзюдо кураши бўйича "Улкан тоғ" туркумига кирувчи йирик халқаро турнирда ҳамюртларимиз Диёрбек Ўрозбоев ва Ришод Собиров бронза медаль учун татамига тушди.

Дунёнинг 88 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун ҳам рейтинг очколар уйнади.

Полвонларимиздан бронза учун дастлаб Диёрбек Ўрозбоев 60 килограммгача бўлган вазнда арманис-

тонлик Ховханнес Давитян билан курашди. Асосий вақт ичида ғолиб номи аниқланмагани сабабли қўшимча вақт талаб этилди. Хар икки спортчининг ҳам асосий вақтда жисмонан кўп куч йўқотгани сезилиб турди. Қўшимча вақтнинг 33-сониясида арманисонлик дзюдочига техник мағлубият ёзилди ва ҳамюртимиз тур-

Ўрол Тансиқбоев уй-музейида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Маргарита Шувалованинг шахсий кўرғазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўрғазмалар

СУРАТЛАРДАГИ СИРЛИ ОЛАМ

Кўрғазмадан "Сўқоқ фарзандлари", "Наврўз", "Саккизинчи нота", "Хаваскор", "Нигоҳ", "Оқ устоз", "Сароб" каби ўттиздан ортиқ асарлар жой олган бўлиб, уларда рассом инсонларнинг ички ҳис-туйғуларини портретларида моҳирона акс эттирган.

Ушбу кўрғазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ўзбек халқининг маданияти, урф-одатларини суратларда акс эттириш, портретлардаги инсонларнинг ички кечинмаларини очиб беришдан иборат, — дейди Ўрол Тансиқбоев уй-музейининг раҳбари Фарҳод Жалилов.

Маргарита Шувалова 1980 йилдан буён чет мамлакатларда ҳамда Ўзбекистонда ўзининг шахсий кўрғазмалари билан қатнашиб келади. Иқтидорли мусаввира суратларида ўзбек аёлларини маҳорат билан чизиб, уларнинг ички ҳис-туйғуларини, турмуш тарзларини моҳирона акс эттирган. "Сўқоқ фарзандлари" номли суратда болажонларнинг беғуборлигини, нигоҳларида эса қувончни кўришингиз мумкин.

Ҳабиба ЙҮЛДОШЕВА
СУРАТДА: кўрғазмадан лавҳа

Содир бўлган ёнғин қорхона, халқ хўжалигига моддий зарар етказиши барчага аён. Бу офат бир неча дақиқа ичида халқ бойликларини ёндириб қулга айлантиради.

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА
ЭЪТИБОР ҚАРАТАЙЛИК

Шахримизда кўркам бино ва иншоотлар қад ростлаб, чиройига чирой қўшмоқда. Соҳа ходимлари янги қурилышларда биноларни лойиҳалаш давридан то қуриб битказилгунгача қадар қурилиш меъёри қоидалари асосида ёнғинга қарши чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан қаттиқ назорат ўрнатганлар. Афсуски, аҳоли ўртасида тарғибот ишлари кучайтирилишига қарамай, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳоллари рўй бериб турибди. Қурилишнинг совиб кетиши натижасида янги қурилиш масканлари қурувчиларнинг вақтинча яшаш уйларида қўлбола электр иситкичлар ва газ қурилмаларидан фойдаланиш, мумкин бўлмаган жойларда сигарет чекиш натижасида ёнғинлар келиб чиқмоқда. Шахримизда қурилаётган ва қайта таъмирланаётган масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида соҳа ходимлари томонидан ўтказилган

қайта текширувларда аниқланган камчилик ва муаммолар тегишли ташкилотларга тақдим этилди. Шунга қарамай айрим қорхоналарда мутасадди раҳбарлар томонидан юзак ёндашиш, эътиборсизлик кузатилмоқда.

Ушбу масканларда ёнғин содир бўлса, тез вақт ичида кенг майдонларга тарқалиб, инсонлар ҳаётига хавф туғдириши ва давлат мулкига катта моддий зарар етказиши мумкин.

Қурилаётган, қайта таъмирланаётган ва ҳозирда фаолият кўрсатаётган бино ва иншоотларда ёнғинга қарши чора-тадбирларни тўла-тўқис бажарсак, содир бўладиган ёнғинларнинг олдини олган ва ўз хавфсизлигимизни таъминлаб, юртимиз равақли йўлида ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Б.ХАСАНХОДЖАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
12-ХЕҲО 24-ХЕҲК 8-а/п смена
бошлиғи, капитан



Алексей Попов олган сурат

"101"

ЁНАЁТГАН ХАЗОН БАРЧАГА
ЗИЁН

Кўпинча атрофимизнинг тоза ва озода бўлиши учун хазонни ёқамиз. Бу ишни тозалик учун қиламиз лекин атроф-муҳитга қанча зарар келтираётганини билмаймиз.

Маълумотларга қўра, хазон тутуни таркибида инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа захарли моддалар, яъни олтингучи ангидриди, қурум, азот оксиди ва диоксин мавжуд бўлиб, уларнинг ҳавога тарқалиши қўллаб қасалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар экан.

Бундан ташқари хазонларни ёқиш натижасида қўллаб ёнғинлар содир бўлади. Хусусан, ёш болаларнинг хазон ёқиби, ўйнаши оқибатида ташвишли ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Бу ҳақда огоҳлантириш фақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ўзини шу юрт, шу эл тақдирига дахлдор деб билган ҳар бир кишининг вазифаси бўлмоғи керак. Болаларимизга тўғри тарбия бериб, Ватанимизга содиқ, ҳар томонлама етук инсон бўлиб камол топишига ҳисса қўйиш ҳар биримизга кат-

та масъулият юклайди. Шундай экан, ҳаммиса фарзандларимиздан насихатимиз, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни аямаслигимиз керак. Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини истамайди, ёнғин эса бир неча сонияда инсонларни мол-мулк, яқинларидан ҳам ажратиб юбарадиган бир офатдир.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз зарур. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳар доим риоя қилинса, йиллаб тўпланган мол-мулк, уй-жойни сақлаган, қолаверса, яқин кишиларнинг ҳаётини ҳам асраб қолган бўламиз.

Убайдулла УТАБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
12-ХЕҲО 24-ХЕҲК кичик инспектори,
катта сержант

Фестиваллар

ЮТУҚ ВА
МУАММОЛАР
ЎРГАНИЛДИ

Учтепа туманида жойлашган 109-умумтаълим мактабида "Она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили фан ойлиғи" фестивали бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизда фаолият олиб бораётган она тили ва адабиёти фанининг тажрибали ўқитувчилари, 11 та тумандан ташриф буюрган шу фан услубчилари, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда сўз олганлар, она тили ва адабиёти фан ойлиғида ўтказилган тадбирлар, унинг якуни ва натижалари бўйича фикр алмашишди. Тадбирнинг 109-мактабда ўтказилиши бежиз эмас, негаки мактаб директори Нигора Қосимованинг таъкидлашича, 2015 йилда таълим муассасаси 960 миллион сўм маблағ эвазига мукаммал таъмирдан чиқарилди, янги жиҳозлар келтирилди, мактабда она тили ва адабиёт фанини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадбирда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси услубчиси Гулҳебра Маманбоева ойлик якунлари билан ўқитувчиларни таништирди. Таъкидлаш жоизки, она тили ва адабиёт фани ойлиғида белгиланган дастур асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ютуқ ва муаммолар ўрганилди, фан ўқитувчиларининг энг яхши деб топилган дарси ишланмалари омма-лаштиришга тавсия этилди.

— Фестивални ўтказишдан мақсад фан ойлиғи доирасида яхши натижаларга эришган ўқитувчиларни тақдирлаш, уларни кейинги дарсларда янада фаол бўлишга ундаш, — дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси услубчиси Г. Маманбоева, — пойтахтимизда ўз ишининг усталари бўлган она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари кўпчиликини ташкил этади. Тадбирда "Энг яхши дарс ишланмаси", "Энг яхши анимацион дарс ишланмаси", "Энг яхши жиҳозланган фан хонаси", "Ўзбек адабиёти билимдони" ва бошқа номинацияларда ғолиб бўлганларга фахрий ёрлиқлар топширилди. Учтепа туманидаги 181-мактабдан ташриф буюрган истеъдодли ўқувчилар ўз концерт дастурларини намойиш этишиб, устозларни қутлашди.

София ЁҚУБОВА,
Учтепа туманидаги 123-мактаб ўқитувчиси

"Камолот"

ЎЗАРО ФИКР
АЛМАШИЛДИ

1-Тошкент педагогика коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан "2015-2016 ўқув йилида бошланғич ташкилот етакчиларининг фаолият самарадорлигини ошириш" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари 6 гуруҳга бўлиниб, семинар-тренинг дастури асосида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, малакали мураббийлардан билим ва кўникмаларини бойитишди. Семинар-тренингда 2015-2016 ўқув йилида бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари, гуруҳларда ишлаш, "Ўрта махсус ўқув юртиларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолият самарадорлигини янада ошириш усуллари" мавзуларида баҳс-мунозаралар ўтказилди, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Семинарнинг "Билимлар синови" йўналишида иштирокчилар ўртасида Харақатнинг мақсад ва вазифаларини белгиловчи тест синови ўтказилди. Шунингдек, ҳар бир гуруҳда "Бошланғич ташкилотда ҳужжатлар билан ишлаш" мавзусида етакчилар билан муаммо ечимлари ва тақлифлар бўйича ўзаро фикр алмашишди.

— "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда академик лицей, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида тахсил олаётган ўқувчи-ёшлар ўрта-сида Харақат фаолияти самарадорлигини оширишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта, — дейди "Камолот" ЕИХ туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдиннов. — Мазкур семинар-тренинг "Камолот" ЕИХ туман Кенгашининг 2015 йилга мўлжалланган иш режасининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш, ўрта махсус таълим муассасаларидаги Харақатнинг бошланғич ташкилоти Етақчилар Кенгаши аъзолари фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш, бошланғич ташкилот етакчилари малакасини ошириш, касбий кўникмаларини шакллантириш ҳамда жамоада ўзини тутиш ва ишлаш маҳоратларини мустахкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда иштирокчилар ўртасида мантиқий савол-жавоблар ўтказилиб, 2015-2016 ўқув йилида ҳисобот-райлов йиғилишларини ташкил этиш босқичлари, "Гуруҳ ва йўналиш, курс сайловларини ташкил этиш", "Бошланғич ташкилот ҳисобот-сайлов йиғилишларини тўғри ташкил этиш жиҳатлари", "Бошланғич ташкилот хонасини жиҳозлаш" мавзуларида маълумот ва тавсиялар берилди.

Бошланғич ташкилот етакчилари учун ташкил этилган семинар якунида барча гуруҳларнинг номлари, шioriлари, қисқа муддатли тақдимот маросимлари ўтказилди. Семинар-тренинг якунида барча иштирокчиларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан фахрий ёрлиқлар берилди.

Зиёда РАСУЛОВА



Тошкент шаҳрида 11 ноябрь
Тошкент шаҳрида 11 ноябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир вақти-вақти билан ёмғир бўлади. Ҳарорат кечаси — 6-8

даража илиқ, кундузи
— 14-16 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида қўра, 11 ноябрда шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратмади, ифосаланиш даражаси паст бўлади.



Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИБизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, chorshanba,
бешанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6168 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уйБош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ